

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика факультети

Психология йўналиши 09.341-гурух талабаси

САМИНЖОНОВА КИБРИЁНИНГ

**"ВОЯГА ЕТМАГАН ЎҚУВЧИЛАР ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ
ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ"**

мавзусида тайёрлаган

Р Е Ф Е Р А Т

Илмий раҳбар: п.ф.н., доцент К.Раҳимова

ФАРҒОНА- 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Психолог олимлар томонидан ўсмирлик даври психологик хусусиятларининг ўрганилиши.....	6
2. Вояга етмаганларнинг психологик ҳолатини ўрганиш натижалари.....	12
3. Хулоса.....	16
4. Тавсиялар.....	18
5. Адабиётлар рўйхати	19
6. Илова	21

Кириш

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти, кўп жихатдан ёшларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Ёшларнинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадга тезроқ эришишнинг муҳим омилдир. Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги, аввало, Конституция ва қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлайди. Қонунга ҳурмат ҳисси ҳар бир ёшнинг калбида чуқур эътиқодга айланиши керак. Ана шундагина ёшлар ўзининг ҳаётий фаолиятида қонун меъёрларига маънан ёки жисмоний жазоланишдан, ҳуқуқ-тарғибот органлари олдида жавоб беришдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий, онгли равишда амал қилади. Қонунга ҳурмат инсоннинг ёшлигидан бошлаб онгига сингиб, мустаҳкамланиб бориши керак. Бу ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари, таълим муассасалари, барча жамоат уюшмалари ва давлат ташкилотлари, бутун жамиятнинг улкан, сермашаққат ишидир. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганларидек: “Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик-бу, аввало, биз катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жихатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш-аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади”¹.

Баркамол авлод камолоти ғоясини турмушга татбиқ этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ миллий маънавият, миллий таълим ва тарбия муаммоларини ҳал қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Соғлом авлодни вояга етказишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари яратилиб, уларни амалда таъминлашнинг ташкилий механизмлари яратилди. Давлат ҳокимият органларининг барча йўналишлари, шунингдек, кенг жамоатчиликнинг саъйи ҳаракатлари ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга

¹ Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.-Т.: Ўзбекистон. 2002. 42-б

каратилиб келинмоқда. Токи, ёшлар онгида қонунларимизга ҳурмат уйғотиб, қонун талабларига қатъий амал қилиш ва қонунбузарликка мурасасиз бўлиш туйғуси шакллансин. Худди ана шундай туйғугина комил инсон тарбиясида катта ўрин тутади Зеро, комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятида узвий бир қисм бўлиб келади².

Шахсни камол топтиришда ахлоқий тарбияни асосий ҳисоблаган шарқ олимлари “Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража берувчи” деб, таъриф берганлар. Тарбияланганликни эса яхши ва ёмон хулқларнинг қай даражада шаклланганлиги билан ўлчаганлар. Шунга мувофиқ равишда ҳар қандай ҳаракат “тўғри” ёки “нотўғри”, “яхши” ёки “ёмон” деб тавсифланади.

Жамиятда кенг тарқалган белгиларнинг жамланиши асосида ижтимоий хусусият майдонга келади. Шахсларнинг ижтимоий хусусияти ҳақида психолог Эрих Фромм «лозим бўлган тарздаги ҳаракатларни қилиш ва маданият талабларига мувофиқ равишда иш тутганлари учун мамнуният туйғусини ҳис этишидир», деб таъкидлаган. Ижтимоий хулқ-шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб боришни ҳам тақозо этади. Чунки инсон ўзини тўла англамай туриб, ўз шахсий «Мен»и билан келишмай туриб, ўзга инсонни англаши, ўзгаларнинг ҳиссий кечинмаларини ичдан кечириши мумкин эмас. Шахснинг ўз-ўзи билан келишолмай қолишининг яққол кўринишини экзистенциал психологиянинг асосий ғояси бўлган экзистенциал фрустрация, мазмуний бўшлиқ мисолида кўриш мумкин. Шахсда мазмуний бўшлиқ, вакуум пайдо бўлдим, унда ҳаётга муҳаббат, мақсад сари интилиш, фаоллик сўнади, ҳиссизлик, эмоционал совуқлик, бефарқлик пайдо бўлади.

Маълумки, таълим-тарбия онгнинг маҳсули ва онгнинг даражаси бўлиш билан бирга онгнинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Сир эмаски инсоннинг хулқ-атвори ўзгарувчан ва ранг-баранг бўлиб, унинг индивидуал хусусиятлари, ўзига хос услубларининг мавжудлиги ҳеч қачон ва

² Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: 2000. -9-б.

ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бироқ, бу ҳуқ-атворнинг хилма-хиллиги унинг чексиз дегани эмас, зеро инсонларнинг ўзаро мулоқоти, ўзаро муносабати, уларни турли ижтимоий гуруҳларга бирикуви, яшаши учун илик психологик муҳитнинг сақланиши заруратдир. Ҳар бир жамият ўзининг қатъий белгиланган ижтимоий ҳуқ-атвор дастурлари тизими ва жамоатчилик фикри, одатлар, ахлоқий тамойиллар, анъаналар кучига таянувчи ҳуқ-атвор қоидаларига эга. Қабул қилинган меъёрлар ҳуқ-атворнинг тарихан шаклланган қоидалари сифатида талқин қилинади, шу билан бирга у баҳоловчи функцияга ҳам эга. Худди шу боис мамлакатимзда “Таълим тўғрисидаги қонун”, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг иккинчи сифат босқичи амалга ошмоқда. “Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш, кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа турдаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди”³.

³ Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.—Т.: Шарқ, 1997, 37-б.

1. Психолог олимлар томонидан ўсмирлик даври психологик хусусиятларининг ўрганилиши

Мустақил Ўзбекистонимизда ижтимоий тарбиянинг энг олий мақсади ҳар бир ватандошимизда комил инсонга хос фазилатларни шакллантиришдир. Фуқароларимизнинг ҳуқуқбузарликка қарши ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқий жиноятчилик жамиятга олиб кирадиган емирилишдан энг яхши ҳимоядир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори-ҳамма-ҳаммаси одамларимизда Қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршилиқни шакллантиришга қаратилмоғи лозим”⁴.

Ҳар бир шахс ўз ёш даврига хос муайян ижтимоий муносабатлар эгаси ҳамда унга жамият томонидан қўйиладиган кўплаб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий таъсирларнинг объекти ҳисобланади⁵. Ўсмир шахсининг шаклланиши қийин психологик жараёндир. Бу тузилиш ўсмир эҳтиёжларининг йўналганлиги билан унинг эмоционал-иродавий хусусиятларига боғлиқдир. Хулқ ўзгаришлари, ўсмирнинг қизиқишлари йўқолиб, эҳтиёжлари камайганда, олдин уни қизиқтирган нарсага бефарқ бўлиб қолганда, мақсадлари йўқолганда, ўз хулқ-атворини бошқара олмаганда, ўзининг имкониятларини адекват баҳолай билмаганда юзага келади. Ўсмир шахсидаги ўзгаришларнинг клиник формалари турли хил хусусият касб этади: улар эмоцияларининг ўзгариши шаклида (депрессия), мотивацион доиранинг бузилиши шаклида (апатия), ўзига, атрофдагиларга нисбатан муносабатнинг ва фаолликнинг бузилиши шаклида намоён бўлиши мумкин.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-94-б.

⁵ Ғозиев Э. Психология.-Т.: 2002.

Ҳозирги даврда вояга етмаганлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, имкониятлари, хатти-ҳаракатлари мотивларининг ифодаланиши ва вужудга келишининг мураккаб механизмлари мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, вояга етмаганларни тарбиялашда уларнинг хусусиятларини тўла ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбиявий тадбирларни қўллаш шахслараро муносабатда англашилмовчиликни вужудга келтирмайди, жамоа ўртасида илик психологик иқлимни яратади. Вояга етмаганларнинг руҳий дунёсини тубдан қайта қуриш, тарбияни инсонпарварлаштириш ҳаракати бошланган ҳозирги кунда ўсмирлар тақдири масаласи ғоят жиддий тус олди. Вояга етмаганлар ўзларининг тақдирчанлиги, муҳим нуқтаи назарнинг шаклланимаганлиги, ҳиссиётлиги, мардлиги билан фарқланади. Шунинг учун ташқи таъсирларга берилувчан ўғил-қизларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Сўнгги йилларда ижтимоий меъёрлардан четлашиш, яъни антиижтимоий девиант хулқ-атвор кўпайиб бормоқда. Девиант хулқ ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни шакллантирувчи ва тарбияловчи омиллар мавжуд. Бу омилларни билиш ва уларни ҳаракатга келтирувчи механизмларини тушуниш инсон шахси тараққиётида вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий ахлоқ нормаларига зид хусусиятларнинг олдини олишга ёрдам беради. Болалаликдаги тажовузкор хулқ-атворнинг ўсмирлик ва ёшлик чоғларида ҳуқуқбузарлик ва жиноий хулқ-атворга айланиб бориши кузатилади. Хулқ-атвори оғир ўсмирларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошларнинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир ўтказади. Вояга етмаган ўсмирларнинг жиноий ишлар қилишига тарбиянинг, оиланинг, муайян ижтимоий гуруҳнинг таъсири муҳим ҳисобланади. Носоғлом муҳитда тарбия топган битта одамнинг безори хулқи бошқа шахсларда эҳтиросларнинг аланга олиши учун учкун вазифасини ўтайди.

Болаликдан ўсмирликка ўтиш даврида хулқ-атвор мустақиллиги пайдо бўлади. Ўсмирлик хатти - ҳаракати унинг онги билан бошқариб борилади ва кўпроқ шахсий тажрибага таянади. Ўсмир ёшларда ижтимоий тажрибанинг етишмаслиги эса улар хулқида турли оғишларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ўсмирлар билан ишлашда уларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш лозим. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг куйидаги фикрлари дастурамал бўлиб хизмат қилади: “Бола кўчада зарарли таъсирларга тушиб, ҳар хил гуруҳларга кўшилиб қолмаслиги учун биз ўз фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишимиз, уларни қўшимча ўқиш, касб-хунарга ўргатиш, спорт билан банд қилишга алоҳида ва доимо эътибор қаратишимиз даркор”⁶.

Ўсмирлик даврининг характерли хусусиятларидан бири бу даврда кузатиладган ўсмирлик автономияси ҳолатидир. Бунинг уч хил кўриниши бўлиб, улар ҳуқуқий автономия, эмоционал автономия, маконий автономиялардир.

Ҳуқуқий автономия ўсмирда ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик ва маъсулият ҳисларини юзага келишини таъминлайди. Шунингдек, ўсмир ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб расмий равишда жисмоний меҳнат билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Эмоционал автономияда ўсмирнинг мустақилликка эришуви, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилишга интилиши амалга ошади.

Маконий автономияда ўсмир имкон қадар ўз хонасида ёлғиз қолиши, яқинлари назаридан четроқда бўлишга, ўз хаёллари билан машғул бўлиб вақт ўтказишга интилиши намоён бўлади. Сухбатлашса ҳам ўз тенгдошлари билан, ўртоқлари билан мулоқотда бўлади.

Ўсмирлик даври психологик хусусиятларнинг алоҳида намоён бўлиш шароити бўлиб, унда фавқулотдаги таъсирлар натижасида айрим ўзгаришлар

⁶ Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.-Т.: Ўзбекистон. 2002.98-б.

юз беради. Айниқса, ўсмир хулқ-атворининг реакциялари муҳит ва яқинларининг ўзаро таъсирида намоён бўлади⁷.

1. Эмансипация реакцияси бу катталарнинг қарамоғидан, назоратидан ва хомийлигидан озод бўлишга интилишда кўринади. Реакция катталар томонидан белгиланган тартиб, қоидага қарши йўналтирилган. "Озод бўлиш" эҳтиёжи мустақил ҳаётга интилиш билан боғлиқ бўлиб, бу реакция ўғил болаларда кўпроқ бўлади.

2. Тенгқурлари билан гуруҳлашган реакциянинг икки тури мавжуд: биринчиси, бир жинсга асосланиб, унда доимий лидер ва гуруҳ аъзоларининг вазифалари, уларнинг гуруҳдаги ўрни белгиланган. Бу гуруҳда "лидернинг адъютанти" бўлиб, унда интеллектуал қобилият йўқ бўлсада, лекин жисмоний кучли бўлади, "антилидер"- лидернинг ўрнини эгаллашга ҳаракат қиладиган, "иккиюзламачи"- у томонга ҳам, бу томонга ҳам ўтиб юрадиган ўсмирлар бўлади. Бундай гуруҳнинг ўз худуди бўлиб, унга бегоналар яқинлаштирилмайди. Гуруҳнинг таркиби барқарор бўлади ва янги аъзоларни фақат синовлар асосида қабул қилишади.

Иккинчи турдаги гуруҳда роллар қатъий тақсимланмаган бўлади ва доимий лидер йўқ. Лидернинг вазифаларини гуруҳнинг турли аъзолари бажаради. Гуруҳ аъзолари икки жинс вакилларида ташкил топади ва унинг таркиби барқарор эмас.

3. Қизиқиш - хобби реакцияси ўсмирлик даври учун муҳим ҳисобланади. Унинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Интеллектуал-эстетик қизиқишлар предметга, мусиқага, радиотехника, тасвирий санъат, адабиётга нисбатан.
2. Жисмоний қизиқишларга кучи, чидамлилиги, чаққонлигини оширишга бўлган хатти-ҳаракатлар киради.
3. Лидерликка қизиқиш бошқаларга раҳбарлик қилишга интилиш учун бўлган ҳаракатда намоён бўлади.
4. Йиғишга қизиқиш-турли хилдаги коллекцияларни йиғишда кўринади.

⁷ Тўлаганова Г. Тарбияси қийин ўсмирлар. Т.: "Университет" нашриёти, 2005.-67-б.

5. Эгосентрик қизиқишлар. Атрофдагиларнинг диққат марказида бўлишга интилиш.

6. Жўшқин қизиқиш. Карта ўйини, қимор, қалтис таваккал қилиш.

7. Информацион коммуникатив қизиқиш янги ахборотларга эга бўлишга интилиш, тасодифий суҳбатлар ва детектив фильмлар кўриш.

4. “Салбий имитация” (тақлид) реакцияси. Бу мустақиллик учун курашишнинг бир кўриниши сифатида эмансипация реакцияси шаклланишининг давомидир. Оила аъзоларининг номақбул хатти-ҳаракатларига нисбатан қарама-қарши муносабат тарзидаги хулқ-атвор ифодаланиши.

5. Жинсий майл шаклланишининг шартланганлик (сабабий) реакцияси-организм, эрта жинсий турмуш, жинсий муаммоларга қизиқишнинг барвақт уйғонишидир. Масалан:

1. Инкор қилиш реакцияси-бу ўқиш, оддийгина уй юмушлари билан тўқнашувдаги қочиш бўлиб, унинг сабаби оиладан узоқлашиш, мактабни алмаштиришда ўз ифодасини топади. Бундай реакцияни вужудга келиш асоси-психик ноетуклик, асабийлашиш ва ўзини тўхтата олмаслик.

2. Қаршилик, эътироз реакцияси. Қўйиладиган талабаларга ўз хулқ-атворининг қарши қўйилиши бўлиб, булар намоёйишкорона мағрурлик, сайр қилиш, қочиш, ўғирлик каби ҳаракатлар орқали ифодаланади.

3. Тақлид реакцияси. Ўсмир ўз яқинларининг, катталарнинг юриш-туриши, гапириши, ўзини тутишига тақлид қилади, айниқса, ўз идеалларига. Улар театр, кинофильм қаҳрамонларининг ижрочилари бўлиши мумкин. Тақлид, асосан, акселижтимоий муҳитга тушиб қолган, камолотга эришмаган ўсмир томонидан амалга оширилади.

4. Компенсация реакцияси. Ўсмир томонидан бирон соҳадаги укувсизлигини, камчилигини бошқа соҳадаги муваффақият билан хаспўшлаши, масалан, нимжон, жуссаси кичик ўсмирнинг “ўзи”ни бирор фанда ёки фаолиятнинг бирон турида муваффақиятга эришиши.

5. Гиперкомпенсация реакцияси. Бу ўсмирнинг ўз имкониятларидан ортиқча хатти-ҳаракатларидир.

Сир эмаски кўпгина тажовузкор ўсмирлар тенгқурлари билан ўзаро муносабатларда ҳам муаммолидирлар. Ижтимоий инкор қилинган ва тажовузкор ўсмирлар гуруҳини ташкил қилувчилар фрустрация ҳамда серзардалик каби кечинмавий вазиятларни далиллаш имконини беради⁸. Болалаликдаги тажовузкор хулқ-атворнинг ўсмирлик ва ёшлик чоғларида ҳуқуқбузарлик ва жиноий хулқ-атворга айланиб бориши кузатилади. Ўрганилаётган маҳкумларнинг учдан бир қисми биринчи марта 16-17 ёшлигида ҳукм қилингани ҳам шундан далолат беради.

Хулқ-атвори оғир ўсмирларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошларнинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир ўтказади.

⁸ Атаджанов М. Делинквент хулқ. Фарғона, 2003. – 45-б.

2. Вояга етмаганларнинг психологик ҳолатини ўрганиш натижалари

Ижтимоий нуқтаи назардан ўсмирлик илк ижтимоийлашув даврини билдиради. Бироқ ўсмирлик болалик даврига нисбатан зиддиятлиги билан фаркланиб туради. Ушбу даврдаги ноқобиллик ва уларнинг ўсмир идрокига ўрнашиб қолишини ана шу зиддиятлардан излаш керак.

Тарбияси оғир ўсмирнинг шахси сусти ижтимоийлашгани билан характерланади ҳамда унинг тарбиясига уч соҳадаги: оила, мактаб, коллеждаги таълим-тарбия нуқсонлари, қолаверса, салбий хулқ-атворини «қаҳрамон» тарзида талкин қилувчи кўчадаги гуруҳбозлик ҳаддан зиёд таъсир этади. Ўсмирлик ёшида катта ёшдагилар, ота-оналар ва ўқитувчилар билан келишмовчилик рўёбга чиқадики, бу фақат табиий ўсиш жараёни билангина эмас, балки ўсмирнинг катта ёшдагилар ва тенгдошлараро муносабатлари жараёни ўзгариши билан изоҳланади.

Номакбул оилавий шарт-шароитлар тарбияси оғир ўсмир шахсининг шаклланишида энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ота-оналарнинг жанжал тўполонлари, ўсмирларни жисмоний жазолашлари табиий равишда тормозлашув меъёрлари бузилишига, қизикқонлик ўта қўзғалувчанлик, ўзини қўлга ола билмаслик каби иллатларнинг туғилишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда болаларга яратилган мазахўрлик шароити, уларнинг фаол фаолиятдан «асраб-авайланиши» иродасизликка олиб келади. Жиддий вазиятларда қийинчиликнинг енгил қобилияти ривожланмайди. Оддий мисол учун олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари ҳам ўтиб бўлмас ғовга айланади. Тарбияси оғир ўсмирлар учун одатда ўқишга нисбатан зид муносабат хос бўлиб, охир оқибатда бу уни синфига, мактабга, билим юрти жамоасига қарама-қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда ҳуқуқбузар ўсмирлар ички салбий муносабатлар натижасида мактабда ўз ўрнини топа олмаган ўқувчилар бўлиб чиқади.

Шунинг учун биз ўз тадқиқотларимизда вояга етмаганларнинг психологик ҳолатини ўрганиб кўришга ҳаракат қилдик. Тадқиқотда Қувасой шаҳар, Кокилон қишлоғи 8-мактабнинг махсус рўйхатда турувчи ўқувчилари

иштирок этди. Эксперимент икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда синалувчиларда “Шахснинг эмоционал ҳолатини баҳолаш” методикасини ўтказдик. Респондентлар методикада келтирилган ўттиз еттита мулоҳазаларни диққат билан ўқиб чиқиб, айна дамда ўзини қандай ҳис қилаётганига ёки сўз-символларга муносабатига боғлиқ ҳолда тегишли рақамни айлана ичига олиб белгилашди. Синалувчиларнинг жавоблари куйидаги жадвалда акс эттирилган.

**“Шахснинг эмоционал ҳолатини баҳолаш” методикасининг
умумий натижалари**

1-жадвал

	37-74 балл	75-111 балл	112-148 балл
Сон	-	11	1
Фоиз	-	91,7	8,3

Жадвалдаги сонларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, синалувчиларнинг 91,7 фоизи мулоқатмандлиги ва одамларга эътиборлилиги билан ажралиб туради. Жамоада самарали меҳнат қилишга қодир, илтифотли, аммо атрофдагиларни танқид қилишга интилади. Эмоционал таъсирларга муносабати ўртача. Ақлли, эҳтиёткор, мулоҳазали. Ўзига ва ўзининг имкониятларига ишонади. Тассавури кенг ва ижодий имконияти юқори. Бундай шахсларнинг хулқ-атвори ҳамма вақт ҳам барқарор эмас. Баъзан муомалада ҳаддан ортиқ кескин бўлади. Улар зўриқиш талаб этиладиган ишларда ишлашга қодир. Ижтимоий муносабатларда демократ, хўжалик-иқтисодий соҳаларда эса анча эҳтиёткор. Биз бу ўқувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги асосий камчилик уларнинг хулқ-атворидаги беқарорлик деб, ҳисобладик. Шунинг учун ҳам улар билан алоҳида суҳбатлашиш давомида ён-атрофдагилар билан муносабатда ўзини-ўзи бошқаришга кўпроқ эътиборли бўлишлиklarини тавсия этдик. Шунингдек, ўзини-ўзи бошқаришга ўргатувчи “Мен хотиржамман”, “Мен тинчман”, “Мен

сокинман” каби таянч сўзлар асосида аутотренинглардан фойдаланишга ўргатдик.

112-148 балл тўплаган респондент 8,3 фоизни ташкил этиб, у мулоқотманд, ижтимоий муносабатларга тез киришадиган, аммо кўп ҳолатларда юзакичиликка йўл қўйиши билан ажралиб туради. Унинг касбий-шахсий эътирофга эҳтиёжи кучли, танишлари ва дўстлари кўп. У охирини ўйламасдан фаолият юритишга мойил, янги ва нотаниш ишларни ташкил этишга қодир, аммо уларни охиригача етказмайди, кунт талаб қиладиган ишларда қийинчилик сезади. Агрессивликка мойил. Ҳаётга бўлган муносабатларда жуда демократ, хўжалик-иқтисодий ишларда исрофгарчиликка йўл қўяди. Унга одамлар билан муносабатда юзакичиликка йўл қўйиши, охирини ўйламасдан иш қилиши, агрессивлиги панд бериб қўяди. Шунинг учун ҳам у ҳаётда кўплаб келишмовчиликларга дуч келади.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида синалувчиларда “Агрессив ҳолатларни диагностика қилиш” методикасини ўтказдик. Тадқиқотда олинган натижалар қуйидаги жадвалда акс эттирилади.

“Агрессив ҳолатларни диагностика қилиш” методикасининг натижалари

2-жадвал

Агрессиялар	Жисмоний агрессия	Билвосита агрессия	Жаҳллик	Негативлик	Хафа бўлиш	Ёлғон гумонсираш	Вербал агрессия	Гунохкорлик хисси
Жами	65	36	27	23	39	87	69	62
Ўртача	5,4	3	2,3	1,9	3,3	7,3	5,8	5,2
Даража	Ўрта дараж	Паст дараж			Паст дараж	юқори дараж	Ўрта дараж	Ўрта дараж

Ушбу жадвалдаги сонларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, синалувчиларда энг кўп намоён бўлган агрессиядан ёлгон гумонсираш 87 балл, вербал агрессия 69 балл, жисмоний агрессия 65 балл, гунохкорлик ҳисси 62 баллни ташкил этди. Олинган натижалар асосида профилактика ишларини ташкил этиш вояга етмаганлар орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имкониятини беради. Агрессивликнинг турли кўринишларини намоён этувчи бундай ўқувчилар билан уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳамда қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориладиган ишлар таълим-тарбия самарадорлигининг асосини ташкил этади.

Бу жараёнда ўқувчилар учун вербал ва новербал ижтимоий психологик тренинглар, брейнштурминглар, давра суҳбатлари ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Мақсадли тренинглар ёшларни маънавий жиҳатдан бойитиши, уларнинг нутқи ва фикрлашини кенгайтириш билан бир қаторда, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Айниқса, ёшлар ташкилотлари, маънавият ва маърифат жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳалла, оила институти ўртасида мустаҳкам алоқа боғланиши керак. Ёшларнинг маънавиятини тарбиялашда ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш ва бунда ахлоқий таъсир кўрсатиш технологиясини жорий этиш муҳимдир.

Ўсмирда шахсий нуқтаи назарнинг вужудга келиши сабабли у катталарнинг қайғуриши, қойишига қарамай, ўзининг фикрини ўтказишга ҳаракат қилади. Психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш мумкин. Камол топиш ўсмирдан умумлаштириш, ҳукм ва ҳулоса чиқариш, мавҳумлаштириш, объектлар ўртасидаги ички муносабатларни ўрнатиш муҳим қонуният, хусусият, механизм ва тушунчаларни англаш, ихтиёрий диққат, барқарор қизиқиш, онгли мотив ва мантиқий эслаб қолишни талаб қилади. Буларнинг барчаси фанларга доир билимлар тизимини вужудга келтиради, амалий кўникмаларни

шакллантиради, ўзини-ўзи назорат қилиш, баҳолаш, англаш сингари хусусиятларни таркиб топтиради. Ўқув фаолиятида кенг имкониятлар бўлса, ўқувчи муайян вазифа ва топшириқларни бажара бошлайди. Натижада ўсмирнинг ижтимоий мавқеи ортиб, фаолияти такомиллашиб, психикаси ҳар томонлама ривожланиб боради.

Хулоса

Мамлакатимизда маънавий соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар энг аввало соғлом руҳият тарбияси учун қулай шарт-шароитларни яратади. Президентимиз ташаббуси билан охириги йилларга берилаётган мақомлар ҳам моҳиятан баркамол авлод тарбиясини кафолатлаш, унга зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Миллий истиқлол мафкураси констепстияси ғояларини халқ онига сингдиришнинг зарур механизмларидан бири ҳам шуки, биз фарзандларимизнинг маънавий баркамоллиги учун махсус тадбирларни ўз вақтида кўра олишимиз, янгича тарбия технологияларни ярата олишимиз, муҳими - тарбиячиларни янгича мафкура руҳида фарзандларни тарбиялашга йўналтира олишимиздир.

Инсон шахси тараққиётида энг масъулиятли ва муҳим ҳисобланган ўсмирлик ёш даври жамиятнинг ахлоқ нормаларини ўзлаштириш учун сензитив - қулай бўлишини назарда тутганда, бу ёшдагиларни махсус дастурлар воситасида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш давлат аҳамиятига молик вазифадир.

Ўсмирга ёрдам беришнинг энг маъқул йўлларини аниқлашда куйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ саналади. Булар ота-оналар билан ишлаш, уларнинг педагогик-психологик жиҳатдан билимдонлигини ошириш, ўсмир ўқишини тўғри ташкил қилиш учун индивидуал режа тузиш, ўз устида ишлаш режасини тузиш, ўсмирнинг ҳиссиёти ёки характеридаги салбий ўзгаришга қарши курашиш ва ҳоказолар.

Юқорида келтирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда ўсмирларнинг қизиқишлари, ҳаётий муаммоларини ўрганиб, улар ўртасида кўпроқ суҳбат, бадиий кеча, учрашув ва мулоқотларни уюштириш, турли хил тўгарак, спорт

секстияси, илмий тадқиқот уюшмаларини кўпайтириш, танлов, анжуман, мунозара, баҳс ва бошқа оммавий тадбирларни ташкиллаш лозим. Чунки психолог олим Жан Пиаженинг фикрича ёшларнинг ўз тенгқурлари билан турли мавзуларда қиладиган мунозара ёки баҳслари, ундаги эгоистик, шахсиятпарастлик моҳиятини сусайтириб, ўз-ўзини англаш билан бир каторда ўзгаларнинг мавқеларини англаш ва ўзида шахсга хос сифатларни ҳам ўстиради.

Ўсмирлик ёшининг ўтиш даври эканлигини ва бу ёшдаги ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз баркамол авлод тарбиясидаги энг муҳим бўғинни маҳалла-мактаб ва оила ҳамкорлиги деб биламиз. Бу уч ҳамкорлик биргаликда иш олиб борса таълим-тарбия бирлигига, оила ва таълим муассасалари яқинлигига, ўсмирнинг ички дунё ва қизиқишларини тўғри аниқлашга, уларнинг маънавий-ахлоқий ривожланишига, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, кадриятларимизга ўргатиб боришга эришилади. «Маҳалла, мактаб ва оила» бирлиги мавжуд жойда таълим ва тарбия бир-биридан ажралиб қолмайди. Бу муносабатлар яхши йўлга қўйилмаса оила ёки мактабдаги муаммоларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги натижасида ўсмир учун муҳим бўлган бу икки мезон унинг учун иқтисодий ва маънавий қийинчилик масканига айланади. Маҳалла бошчилигидаги бу учлик мактаб ва оила муаммоларини биргаликда ўсмирнинг иззат, нафси, нафсониятига таъсир қилмайдиган йўл билан ҳал қилиш осондир.

Тавсиялар

1. Оилавий кадриятларни ўғил-қизлар тафаккурига сингдириш учун янги давр талабларини назарда тутган ҳолда оилавий тарбия дастурини яратиш.
2. Ёш ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясини олиб боришга ғоявий ва услубий тайёргарликларини кучайтириш.
3. Оиладаги тарбиянинг миллий ва умуминсоний ютуқларини умумлаштириш.
4. Оила кутубхонасини ташкил этиш, мактаб билан яқиндан алоқа ўрнатиш.
5. Таълим муассасалари қошида «Оила институти» ташкил этилиб, ота-оналар учун таълим-тарбия жараёнига боғлиқ суҳбатлар, тренинглар уюштириш.
6. Тарбия борасидаги кўрсатмаларни оммабоп рисоалар, буклетлар, илмий оммабоп мақолалар орқали тарғиб қилиш.
7. Ўсмир ёшларнинг қизиқишлари асосида уларнинг бўш вақтларини ташкил этиш.
8. Ўсмир-ўқувчилар учун вербал ва новербал ижтимоий психологик тренинглар, брейнштурминглар, давра суҳбатлари ўтказиш.
9. Ёшлар ташкилотлари, маънавият ва маърифат жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳалла, оила институти ўртасида мустаҳкам алоқа боғланиши керак.
10. Ёшларнинг маънавиятини тарбиялашда ахлоқий кадриятлардан фойдаланиш ва бунда ахлоқий таъсир кўрсатиш технологиясини жорий этиш муҳимдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.-62 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 74-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т. Ўзбекистон, 1997 - 326 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.- 686-б.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -325-б.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва томоиллар. Т.: 2000. -9-б.
7. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.-Т.: Ўзбекистон. 2002. 42-б.
8. Каримов И.А. Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Тошкент.: Ўзбекистон, 2005.-125-б.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -97-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган.-Т.: Ўзбекистон, 2003, 63 модда.
11. Гозман Л.Я. Психология эмоциональных отношений. М. Изд-во МГУ. 1987 - 176 б.
12. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. –Тошкент: 2006. -85-б.
13. Каримова В.М. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик.-Т.: “Фан ва технология”, 2008.-54-б.
14. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Тошкент «Ўқитувчи», 1994 - 94 б.

15. Каримова В.М Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Тошкент «Университет» 1999 - 94 б.
16. Ковалев С.В. Психология современной семье. Кн. Для учителя. М. «Просвещения», 1998 - 208 б.
17. Курс практической психологии, или как научить работать и добиваться успеха: Учебное пособие для высшего управленческого персонала. Автор-сост. Р.Кашапов-Ижевск: Изд-во Удм. Ун-та, 1996, 448с.ил.
18. Куттер Патер "Современный психоанализ" Пер. с Нем. С.С.Панкова под общ. ред. В.В.Зеленского - СПб, "Б.С.К", 1998, 348с.ил.
19. Муминов И.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане. -Тошкент: 1957.-46.
20. Оила ахлоқи ва одоби. Узақов Х., Э. Ғозиев, А. Орипова Т; 1995 - 200 б.
21. Отажонов М. Делинквент хулқ. Фарғона, 2003. – 105 б.
22. Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. -Т.: «Маънавият», 1998.- 160 б.
23. Холиқов Д.Р. Хуқуқий маданият-оила мустаҳкамлиги асоси.-Т.: Фан, 2007-132 б.
24. Хохлова Л.Т. Муомала маданияти Т.: 1987.-87 б.
25. Тўраева О. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. - Т.: «Ўқитувчи», 1990.- 223 б
26. Юсупов Э. Инсон баркамоллиги Т.: «Ўзбекистон», 1989.-240 б.
26. Тўлаганова Г. Тарбияси қийин ўсмирлар. Т.: “Университет” нашриёти, 2005.-128 б.

Илова
“Шахснинг эмоционал ҳолатини баҳолаш”

Кўрсатма. Қуйида келтирилган гапларнинг ҳар бирини диққат билан ўқинг ва айти дама ўзингизни қандай ҳис қилаётганингизга ёки сўз-символларга муносабатингизга боғлиқ ҳолда тегишли рақамни айлана ишига олиб, белгиланг.

1-йўқ, бу умуман бундай эмас

2-еҳтимол, шундай бўлиши мумкин

3-ҳойнаҳой, шундай бўлса керак

4-ҳа, мутлақо шундай

№	Тасдиқлар	Рақамлар			
		1	2	3	4
1.	Мен хотиржамман	1	2	3	4
2.	Менга ҳеч нарса таҳдид солмайди	1	2	3	4
3.	Асабларим таранглашган	1	2	3	4
4.	Мен ўзимни толиққан ҳис қилмоқдаман	1	2	3	4
5.	Ўзимни эркин ҳис этипман	1	2	3	4
6.	Оилавий муаммолар туфайли хафаман	1	2	3	4
7.	Омадсиз бўлишдан хавотирдаман	1	2	3	4
8.	Мен ўзимни бардам ҳис этипман	1	2	3	4
9.	Мен дунёдаги вазиятлардан хавотирдаман	1	2	3	4
10.	Мен ўз ишимдан қониқиш ҳиссини туймоқдаман	1	2	3	4
11.	Мен ўз кучимга ишонаман	1	2	3	4
12.	Менга буйруқ беришларини ёқтирмайман	1	2	3	4

13.	Мен асабийлашаяпман	1	2	3	4
14.	Мен хаётда ўз ўрнимни топа олмаяпман	1	2	3	4
15.	Менга идеал жамият ғояси маъқул	1	2	3	4
16.	Мен анча қизиққонман	1	2	3	4
17.	Одамларнинг менга бўйсуниларини ёқтираман	1	2	3	4
18.	Мен зўриқишни ҳис этипман	1	2	3	4
19.	Мен ўзимдан мамнунман	1	2	3	4
20.	Мен ўз муаммоларим билан машғулман	1	2	3	4
21.	Одам - одамга бўри	1	2	3	4
22.	Мен жуда ҳаяжондаман	1	2	3	4
23.	Мен ўзимни яхши ҳис этипман	1	2	3	4
24.	Мен бахтлиман	1	2	3	4
25.	Мен жуда тез чарчайман	1	2	3	4
26.	Мен тез йиғлаб юбораман	1	2	3	4
27.	Пул - бу энг асосий нарса	1	2	3	4
28.	Эркинлик, тенглик, биродарлик менинг идеалимдир	1	2	3	4
29.	Мен бошқаларга қараганда бахтлиман	1	2	3	4
30.	Мен ҳамма нарсани юрагимга яқин оламан	1	2	3	4
31.	Мен ўзимни хавфсиз ҳис етаяпман	1	2	3	4
32.	Мен ҳамма инсонни яхши кўраман	1	2	3	4
33.	Баъзан юрагим сиқилиб кетади	1	2	3	4
34.	Ўзимни демократ деб биламан	1	2	3	4
35.	Менга муҳаббат етишмайди	1	2	3	4

36.	Менинг дўстларим кўп	1	2	3	4
37.	Мен мутлақо соғломман	1	2	3	4

АГРЕССИВ ҲОЛАТЛАР ДИАГНОСТИКАСИ

1. Мен ўзгаларга ёмонлик қилишдан ўзимни тўхтата олмайман.
2. Мен ўзим ёмон кўрган одамлар ҳақида миш-миш тарқатаман.
3. Мен тез жиззакилик қилиб тез совийман.
4. Мен яхшилик билан илтимос қилмаса бировнинг айтганини қилмайман.
5. Ўзимга тегишли нарсани ҳар доим ола олмайман.
6. Мен ҳақимда орқаваротдан гапирадиганлар ҳам бор.
7. Мен айрим ўртоқларимнинг хулқини ёқтирмаслигимни ўзларига билдириб кўяман.
8. Бировни алдаганим учун виждонан қийналаман.
9. Мен бировни ура олмайман.
10. Менинг идишларни синдириб юборадиган даражада жаҳлим чиқмайди.
11. Мен бировларнинг камчиликларини кечира оламан.
12. Мен турли хил қоидаларни бузишни ёқтираман.
13. Бошқалар "темирни қизиғида босишни" билишади.
14. Мен билан яхши муносабатда бўлганлар билан ҳам сал хуркиброк (нарироқ) муомала қиламан. Сир бермайман.
15. Мен кўп холда бошқаларнинг гапига кирмайман.
16. Баъзан менга шундай фикрлар келадики, улардан уяламан.
17. Агар биров мени урса, унга жавоб бера олмайман.
18. Мен жаҳлим чиққанда эшикни тарақлатиб ёпиб кетишим мумкин.
19. Мен бировлар ўйлаганидан ҳам ортиқроқ жиззакиман.
20. Ким ўзини катта туца, ўша билан олишгим келади.
21. Мени ўз тақдиримдан ишим чиқмайди.
22. Мени кўпчилик ёқтирмайди.
23. Агар биров гапимга тескари гапирса, у билан охиригача тортишаман.
24. Ишдан ўзини олиб қочадиган одам ўзини айбдор сезиши керак.

25. Агар биров менинг ва оиламнинг кадрили эрга урса, у билан муштлашаман.
26. Мен кўпол хазил қила олмайман.
27. Агар биров мени устимдан кулса, уни эзиб ўлдирворгим келади.
28. Ким ўзини катта олса, мен уни жойига кўйиб кўя оламан.
29. Мен доим, ҳафтада ҳеч бўлмаса бир марта ўзим ёқтирмаган одамни кўриб тураман.
30. Кўпчилик менга ичиқоралик қилади.
31. Мен бировлар мени ҳурмат қилишини хоҳлайман
32. Мен ота-онамга кўп яхшилик қила олмаганимдан афсусланаман.
33. Йўлдан адаштириб турадиган одамларнинг бурнига каттиқ чертиб юборгинг келади.
34. Мен ёмонликдан ҳеч қачон қовоғимни солиб ўтирмайман.
35. Менга сўзимга ва қилмишимга яраша жавоб беришса хафа бўлмайман.
36. Биров менинг "жонимга тегса" ҳам, унга аҳамият бермайман.
37. Мен ҳеч қачон бировга ҳасад қилаётганимни сездирмайман.
38. Баъзан одамлар менинг устимдан кулаётганини сезиб тураман.
39. Мен жаҳлим чиқса ҳам, сўкинмайман.
40. Менинг гуноҳларимни кечиришларини хоҳлардим.
41. Агар мени биров урса, баъзан жавоб қайтараман.
42. Агар менинг айтганим бўлмаса, хафа бўламан.
43. Баъзи кишиларни кўрсам, жаҳлим кўзийди.
44. Менинг ҳақиқатдан ҳам жуда ёмон кўрадиган одамим йўқ.
45. Менинг принстипим "Бегоналарга ишонма!".
46. Ким менинг жонимга тегса, ўзи ҳақида мендан кўп гаплар эшитади. Аяб ўтирмайман.
47. Мен жуда кўп ишлар қиламан, лекин шу қилган ишларимдан афсусланиб юраман.
48. Мени жаҳлим чиқса, бировни уришим ҳам мумкин.

49. Болалик даврларимда жахлим чиқиб ўт олиб кетган эмасман, доим бир кирда, бир сирда турганман.
50. Мен портлаб кетадиган порох тўла бочкага ўхшайман, ёрилиб кетгим келади.
51. Мен билан бирга ишлаш қийинлигини одамлар билмаса эди.
52. Одамлар менга сирли сабабларга кўра тавозе кўрсатишади, атрофимда парвона бўлишади.
53. Агар менга бақиршса, мен ҳам бақира оламан.
54. Омадсизлик мени хафа қилади.
55. Мен бошқа одамларчалик бўлмаса ҳам, ҳар холда биров билан уришиб тураман.
56. Мен жахлим чиққан пайтда кўлимга кирган нарсани отиб юборган пайтларим бўлган.
57. Баъзан менга, агар муштлашишга тўғри келса биринчи бўлиб бошлагим келади.
58. Мени ҳаёт нотўғри тақдирларга рўпара қиляпти.
59. Илгари ҳамма одамлар тўғри гапиришади деб ўйлар эдим. Ҳозир эса бунга ишонмайман.
60. Мен жахлим чиққанда, захримни бировга соча оламан.
61. Агар нотўтри иш қилсам, виждоним қийналади.
62. Агар менга ўз хулқимни ҳимоя учун жисмоний куч ишлатишга тўғри келса, куч ишлата оламан.
63. Мен баъзан столга уриб гапиришим ҳам мумкин.
64. Мен ўзимга ёқмаган кишига кўпол гапиришим мумкин.
65. Менга зиён қиладиган душманларим йўқ.
66. Мен бировнинг бемаза гапини эшитиб, билиб турсам ҳам, ўша одамни гап билан жойига обориб қўёлмайман.
67. Мен нотўғри ҳаёт кечираяпман, хато яшаяпман, бошқача яшашим керак эди, - деб кўп ўйлайман.

68. Мени муштлашишгача олиб борадиган одамлар дўстларим орасида ҳам борлигини биламан.
69. Мен майда-чуйдадан хафа бўлмайман.
70. Мени бировлар менсимайди, деб жуда кам ўйлайман.
71. Мен кўп дўқ-пўписа қиламан, лекин ўша дўқ-пўписамни амалга оширмайман.
72. Кейинги пайтларда мен минғир-минғир қиладиган бўлиб қолганман.
73. Агар биров билан гап талашиб қолсам, овозимни баландлата оламан.
74. Мен бировга уни ўлгудай ёмон кўришимни билинтирмайман.
75. Мен тортишиб ўтиргандан кўра "хўп" деб қўя қолишни афзал кўраман.

Жавоб варақаси

Фамилияси _____ исми _____

- | | | | |
|-------------|-------------|-------------|-------------|
| 1 Ҳа. Йўқ. | 22 Ҳа. Йўқ. | 43 Ҳа. Йўқ. | 64 Ҳа. Йўқ. |
| 2 Ҳа. Йўқ. | 23 Ҳа. Йўқ. | 44 Ҳа. Йўқ. | 65 Ҳа. Йўқ. |
| 3 Ҳа. Йўқ. | 24 Ҳа. Йўқ. | 45 Ҳа. Йўқ. | 66 Ҳа. Йўқ. |
| 4 Ҳа. Йўқ. | 25 Ҳа. Йўқ. | 46 Ҳа. Йўқ. | 67 Ҳа. Йўқ. |
| 5 Ҳа. Йўқ. | 26 Ҳа. Йўқ. | 47 Ҳа. Йўқ. | 68 Ҳа. Йўқ. |
| 6 Ҳа. Йўқ. | 27 Ҳа. Йўқ. | 48 Ҳа. Йўқ. | 69 Ҳа. Йўқ. |
| 7 Ҳа. Йўқ. | 28 Ҳа. Йўқ. | 49 Ҳа. Йўқ. | 70 Ҳа. Йўқ. |
| 8 Ҳа. Йўқ. | 29 Ҳа. Йўқ. | 50 Ҳа. Йўқ. | 71 Ҳа. Йўқ. |
| 9 Ҳа. Йўқ. | 30 Ҳа. Йўқ. | 51 Ҳа. Йўқ. | 72 Ҳа. Йўқ. |
| 10 Ҳа. Йўқ. | 31 Ҳа. Йўқ. | 52 Ҳа. Йўқ. | 73 Ҳа. Йўқ. |
| 11 Ҳа. Йўқ. | 32 Ҳа. Йўқ. | 53 Ҳа. Йўқ. | 74 Ҳа. Йўқ. |
| 12 Ҳа. Йўқ. | 33 Ҳа. Йўқ. | 54 Ҳа. Йўқ. | 75 Ҳа. Йўқ. |
| 13 Ҳа. Йўқ. | 34 Ҳа. Йўқ. | 55 Ҳа. Йўқ. | |
| 14 Ҳа. Йўқ. | 35 Ҳа. Йўқ. | 56 Ҳа. Йўқ. | |
| 15 Ҳа. Йўқ. | 36 Ҳа. Йўқ. | 57 Ҳа. Йўқ. | |

16 Ҳа. Йўқ.	37 Ҳа. Йўқ.	58 Ҳа. Йўқ.
17 Ҳа. Йўқ.	38 Ҳа. Йўқ.	59 Ҳа. Йўқ.
18 Ҳа. Йўқ.	39 Ҳа. Йўқ.	60 Ҳа. Йўқ.
19 Ҳа. Йўқ.	40 Ҳа. Йўқ.	61 Ҳа. Йўқ.
20 Ҳа. Йўқ.	41 Ҳа. Йўқ.	62 Ҳа. Йўқ.
21 Ҳа. Йўқ.	42 Ҳа. Йўқ.	63 Ҳа. Йўқ.

Калит

1. Жисмоний агрессия.

1, 25, 31, 41, 48, 55, 62, 68 = Ҳа.

9, 7 = Йўқ.

2. Билвосита агрессия.

2, 10, 18, 34, 42, 56, 63 = Ҳа.

26, 49 = Йўқ.

3. Жахллилиқ.

3, 19, 27, 43, 50, 57, 64, 72 = Ҳа.

11, 35, 69 = Йўқ.

4. Негативлик (салбийлик).

4, 12, 20, 29 = Ҳа.

36 = Йўқ.

5. Хафа бўлиш.

5, 13, 21, 29, 37, 44, 51, 58 = Ҳа.

6. Ёлғон гумонсираш.

33, 66, 74, 75 = Ҳа.

6, 14, 22, 30, 38, 45, 52, 59 = Йўқ.

7. Вербал агрессия (сўқиниш).

7, 15, 23, 31, 46, 53, 60, 71, 73 = Ҳа.

33, 66, 74, 75 = Йўқ.

8. Гуноҳкорлик ҳисси.

8, 16, 24, 32, 40, 47, 54, 61, 67 = Ҳа.